

ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁНҒИННИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАЛАБЛАРИ

Мамарасулов З.Э. – СамИСИ ўқитувчиси

Ҳозирги кунда инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқарув ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўлланишни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ва кон-руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинслар кўпорилиши билан кечади. Ёнғинга қуйидагича таъриф бериш мумкин: инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликлар йўқ қилиб ташланиши билан бирга кечувчи назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир.

Ўта муҳим ва тоифаланган, кимёвий хавфли объектларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва портлашлар туфайли кимёвий заҳарли моддаларнинг атроф муҳитга тарқалиши ва бунинг натижасида объект атрофида яшовчи фуқароларни оммавий тарзда заҳарланишига олиб келиши мумкин.

Ёнғин содир бўлганда қуйидаги қоидаларни эсда тутиш лозим:

- алангани тарқалиш майдонини камайтиришга ва оловни ёнувчи материаллар йўқ жойга “ҳайдаш”га ҳаракат қилиш керак;

- ёниш манбаи йўқ қилинган, бошқа жойларни текшириб чиқиш керак бўлади;

- ёнаётган бинодан чиқиб кетишга имконият бўлмаса, нафас олиш органларини нам сочиқ билан бекитиш керак, чунки тутун ва заҳарли газлар алангадан ҳам хавфлироқдир;

- биноларни қўлаб тушиш эҳтимолини ҳам эсдан чиқармаслик лозим;

Ёнғин ўчиргичлардан янада самаралироқ фойдаланиш учун қуйидагиларни билиш зарур:

1. Ёнғин ўчириш воситасини бекорга сарфламаслик учун ўт ўчиргични ёнаётган жойда иш ҳолатига ўтказиш керак.

2. Тез ҳаракат қилиш керак, чунки ўт ўчиргич қисқа вақт давомида иш ҳолатида бўлади.

3. Ёнаётган суюқликни четдан ўртасига томон, аста – секинликда ёнаётган майдонни қоплаш орқали ўчирилади.

Қуйида келтирилган расмда турли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳолини огоҳлантириш тадбирлари келтириб ўтилган.



Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёнғин ва портлашлар кўққисдан содир бўлганда кўплаб одамларнинг ўлимига ёки оғир тан жароҳати олишларига олиб келади.

Фуқароларни бу турдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасидаги барча режалаштирилаётган тадбирларнинг энг асосийларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- *қонуний жиҳатдан* – турли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда олиб бориладиган ишлар, биноларнинг лойиҳасини тузишдан тортиб, бинони куриб битказишгача курилиш меъёрлари ва

қоидаларига амал қилиш, улардан фойдаланиш даврида қоида ва тартибга амал қилишни режалаштириш.

- ташкилий жиҳатдан — аҳоли ва ҳудудларни, ташкилотларни оғоҳлантириш тадбирлари режаси, қолаверса ғавқулодда вазият содир бўлганда уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режасини тузиш.

- техник-муҳандислик жиҳатидан — ишлаб чиқариш жараёнларида ёнғин-портлашлар бўлиши эҳтимоли (хавфи) бор ташкилотларда хавфли технологиялар ўрнига бошқа хавф туғдирмайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш.

Бизнинг ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатимизда юзлаб ёнғин, портлаш ва кимёвий хавфи бор корхоналаримиз фаолият кўрсатмоқда, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ишлашига эришиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозирги замон талабига мос ҳолда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни сақлаган ҳолда Республикаимизнинг аҳолисини ва ҳудудларини турли хилдаги ғавқулодда вазиятлардан сақлаш ва уларни олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу сабабли юртимизда мавжуд бўлган ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги аварияларнинг тавсифини, яъни ёнғин ва портлаш бўйича категорияларини етарлича билиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, рўй бериши мумкин бўлган ёнғин ва портлашларнинг асосий сабаблари ва турлари тўлиқ ўрганиб олиш керак.

Бундан ташқари, Юртимиз аҳолисини ва ҳудудларидаги ёнғин ва портлашлар билан боғлиқ ғавқулодда вазиятларни олдини олиш чора-тадбирлари режа асосида тўғри олиб бориш ва улар бўйича турли амалий тадбирларни ўтказиб туриш лозим.